



# Халқ сўзи

Ўзбекистон - келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2008 йил 3 декабрь, № 234 (4644)

Чоршанба

## ЗАМОНАВИЙ КОРХОНАЛАР - ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

Мамлакатимиз Президентининг бевосита раҳбарлигида амалга оширилаётган ислохотлар ўз самарасини бермоқда. Қадр-қимматимизни белгилловчи муҳташам бинолар қуриляпти, гўзал боғ-май-донлар барпо этилмоқда, бир-бирдан кўрам мактаб ва коллежлар қад ростлаётди, янгидан-янги ишлаб чиқариш корхоналари бирин-кетин ишга тушмоқда. Қорақалпоғистон Республикасидаги Кўнғирот сода заводи ҳам мустақиллик шарофати билан бунёд этилган ана шундай корхоналардан бири.

### Мустақиллик иншоотлари

Бугун Кўнғиротга борган киши Эл-ободни кўрмасдан қайтмайди. Негаки, азим сахро бағридаги бу мўжиза шаҳарча туну кун уйғок. Аслида Эл-ободни ёшлар шаҳри деса ҳам бўлади. Чунки бу ерда, асосан, ёш йигит-қизлар меҳнат қилишади, ўқишади...

Заводда ишлаб чиқарилаётган кальцирланган сода қимматбаҳо кимёвий маҳсулот бўлиб, у шиша ва шиша идишлар, ювиш ва тозалаш воситалари ишлаб чиқаришда, рангли металлургия, енгил саноат, қоғоз-картон саноати, сув иншоотлари ва бошқа ўнлаб соҳаларда кенг қўлланилади. Энг асосийси, сода тайёрлашда хом ашё захиралари шу ернинг ўзидан олинади. Биз завод ҳудудида бўлганимизда Бор-сакелмасдан туз ташийётган ва Жамон-сой қонидан оҳақ ортиб олган машиналар қарвонини ҳам кўрдик. Тахминларга кўра, бу жойлардаги кон захиралари заводнинг 100 йиллик эҳтиёжини қоплайди. Шунингдек, уни янада кенгайтириш имконияти ҳам мавжуд.

(Давоми 2-бетда).



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ ҲАМ ОЛТИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн олтинчи ялпи мажлиси 2008 йил 4 декабрь куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

### Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари диққатига

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2008 йил 3 декабрь куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойесида рўйхатга олинади.

## Олий Мажлис Сенатининг ўн олтинчи ялпи мажлиси олдида

### БОШ МОЛИЯВИЙ ҲУЖЖАТ

2009 йилги Давлат бюджети ва Солиқ-бюджет сибёсидининг асосий йўналишлари мамлакат иқтисодий ва ривожлантириш, халқ турмуш фаровонлигини ошириш манбаидир

Мамлакатимизда бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодий янада эркинлаштириш соҳасидаги ислохотларни амалга ошириш биз учун ҳамон асосий устувор вазифа бўлиб қолмоқда. Президентимиз Ислам Каримов парламент палаталарининг қўша мажлисида алоҳида таъкидлаганидек, «мамлакатни модернизация қилиш ва аҳолига муносиб турмуш шартини яратиб бериш борасида ўз олдимизга қўйган мақсад ва вазифаларимиз ҳамда минтақа ва жамон бозорларида рўй бераётган ўзгаришлар, кўли талаб ва рақобат иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришни объектив шарт қилиб қўймоқда».

Бинобарин, иқтисодий янада эркинлаштириш бўйича устувор йўналишларнинг изчил амалга оширилиши охириги йилларда инфляциянинг мўтадил даражасини, бюджет муносабатлигини, фол ташқи савдонини, савдо балансида ижобий салфодни таъминлаш ҳолда, аҳоли даромадларининг ошиши, юқори суръатлардаги иқтисодий ўсish тенденциясини мустаҳкамлаш имконини бермоқда. Бугун инфляция даражаси кескин камайтирилди: 2008 йил якуни бўйича 7-8 фоиздан ошмаслиги кутилмоқда.

Айни вақтда, бюджет даромадлари ва харажатлари муносабатлиги бир фоиздан оширилган бўлгани, охириги 3 йилда Давлат бюджетининг профицити билан ижро этилаётгани бунинг аққол далилидир.

Албатта, бундай ижобий тенденциялар ва давлат молиясини ислоҳ қилиш борасида олиб борилган ишлар республикамизда ўзига хос миллий бюджет ва пул-кредит тизими шаклланиб, барқарорлашгани ҳамда у халқаро нормаларга тўла мослашганини кўрсатади.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикасида эришилган макро-иқтисодий ривожланиш, айниқса, давлат молиясининг бошқарилиши ва парламент томонидан қабул қилинган қонунларнинг иқтисодий ҳаётга самарасининг ижобий таъсирлари нуфузли халқаро молия ташкилотлари, шу жумладан, Халқаро валюта фонди томонидан юқори баҳолаётганини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Шунингдек, жамон банки гуруҳига кирувчи Халқаро молия корпорацияси дунёнинг 178 мамлакатда хусусий сектор учун ишбилармонлик муҳитини баҳолашга ўз ичига олган наватдаги йиллик ҳисоботида 2006-2007 йилларда Ўзбекистон ишбилармонлик муҳитини такомиллаштириш борасида сезиларли ривожланишга эришгани, амалга оширилган ислохотлар нати-

жасида корхоналарни рўйхатга олиш тартиби соддалаштирилгани, бизнесни ихтиёрий тугатиш жараёни тартибга солинигани, мулк ҳуқуқини расмийлаштириш харажатлари қисқартирилгани ва корхоналарнинг солиқ юки камайtirилгани, бу эса, ўз навбатида, Ўзбекистонга Шарқий Европа ва Марказий Осиёдаги етакчи ислохотчи мамлакатлардан бирига айланиш имконини бергани қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари Вазирам Маҳкамасининг 2007 йил якунидаги бағишланган маж-лисида, халқ депутатлари Хоразм, Фарғона, Сурхондарё ва Самарқанд вилоятлари Кенгашларининг наватдан ташқари сессияларида устувор вазифа сифатида ҳудудларда ҳорикий инвестицияларни жалб этиш асосида замонавий технологияларни жорий қилиш, қўшқоқ ҳўжалик маҳсулотларини қайта ишлашчи қўшма корхоналарни очилиш, уларнинг самарали иш-лашини таъминлаш, истеъмол бозорига мўтадил шартини яратиш, пул муомаласини яхшилаш, бюджет ва бюджетларро муносабатлиги эришиши, янги иш жойларини яратиш асосида аҳолининг даромад манбаларини кўпайтириш ҳамда Давлат бюджетидан дотация оладиган шаҳар ва туманлар сонини камайтиришнинг аниқ йўналишларини белгилаб берган эди. Булар барчамизнинг кундалик иш-ишмида дастуриламал бўлиши лозим. Ҳўжалик тўзимларининг барча бўғин ва погоналарида ҳамда жойларда ана шундай прогрессив ёндашувини ташкил қила оلسак, ўйлаймизки, иқтисодийнинг барқарор ўсиши, бюджет даромадларининг ортиши муваффақиятли таъмин-лай оламиз.

Шу билан бирга, Давлат бюджетини бошқариш демократлаштириш ва либераллаштириш таъминлаш борасида марказда ва жойларда парла-мент назоратини амалда янги поғонага кўтариш бугуннинг долзарб ва муҳим масаласига ай-ланади.

Кейинги йилларда эркин бозор иқтисодий омилига ва халқаро меъёрларга мос «Бюджет тизими тўғрисида»ги «Давлат бюджетининг таъминоти тўғрисида»ги «Кимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги қонун-лар, янги Солиқ кодекси ва бош-қа бир қатор қонунлар қабул қилиниб, ҳаётга татбиқ этилмоқ-да. Давлат молиясини бошқари-ш борасида қабул қилинган қонунлар ушбу соҳада қонун устуворлигига эришиш имконини бермоқда.

(Давоми 2-бетда).

### Парламентдаги муҳбиримиз хабар қилади

## Бола ҳуқуқлари тўплами тақдимоти

Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитасида Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази ҳамда ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамкорлигида ўзбек, рус ва инглиз тилларида чоп этилган «Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция ва Ўзбекистон Республикасининг «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни тўпламининг тақдимоти бўлиб ўтди.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинган-лигининг 60 йиллигига бағиш-ланган тадбирлар доирасида ўтказилган мазкур анжуманда истиқлол йилларида мамлакатимизда бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари яратилиб, бола ҳуқуқлари тўла таъминлаб келинаётгани-ни таъкидланди. Айни вақтда шу йилнинг 8 январидан кўчга кир-ган «Бола ҳуқуқларининг кафо-латлари тўғрисида»ги Ўзбеки-стон Республикаси Қонуни мил-

лий қонунчилигимиз меъёрлари ҳамда Бола ҳуқуқлари тўғриси-даги Конвенция қоидаларига мувофиқ тарзда яратилгани ва бу мамлакатдаги ҳар бир бо-ланинг ҳуқуқларини таъминлаш борасида ижобий қадам бўлган-лиги алоҳида эътироф этилди. Тақдимотда иштирок этган ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Маҳбуб Шариф тўплам ҳақида фикр билдирар экан, бола ҳуқуқла-рини таъминлаш борасида мам-лакатимизда амалга оширила-

ётган ишлар, унинг ҳуқуқий асослари ҳақида батафсил сўз юритди. Шунингдек, иштирокчилар томонидан тўплам нафақат талаба ва мутахассислар, балки кенг китобхоналар оmmasи-га мўлжаллангани ҳамда у аҳоли-нинг ҳуқуқий онг ва саводхон-лигини янада оширишда қўл келиши хусусида фикрлар билди-рилди. Тадбир якунида иштирок-чиларга ушбу тўплам тар-қатилди.

### Шу кунги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг ахборот-нинг ошқоралик тамойил-ларига тўла мос келиши таъминлашга хизмат қиладиган янги расмий веб-саҳифаси тақдимоти ўтказилди.


## Тезкор ахборот манбаи

Анжуманда айтилганидек, ушбу веб-саҳифа юқори техник имкониятларга эга бўлиб, у орқали сайловчилар Олий Маж-лис Қонунчилик палатаси фао-лияти тўғрисида тўлиқ ва тезкор ахборот олишлари, долзарб масалалар бўйича ўзлари сай-лаган депутатларга тўғридан-тўғри мувожаат қилишлари, шу-нингдек, онлайн тизими орқали жамоатчилик сўровлари ва қонун лойиҳаларининг муҳока-маларида иштирок этишлари мумкин.

Веб-саҳифа муаллифлари иштирокчиларга сайт ижодкор-лиги жараёнида интернет орқали ахборот тарқатишнинг энг илгор аъёнанага рия қили-ниб, фойдаланувчилар учун бар-ча қўлайликлар яратилганини ҳамда сайт орқали сайловчи-лар билан доимий мулоқотни йўлга қўйиш мумкинлиги ҳақида сўзлаб беришди.

Шунингдек, ахборот базаси-нинг доимий янгиланиб бори-ши, мазкур сайтнинг ишлаш тартиби, ахборотнинг ҳимоялан-ганлик даражаси давлат орган-лари расмий саҳифаларига қўйилган талабларга тўла жавоб бериши каби масала-лар ҳам иштирокчилар эъти-боридан четда қолмади.

3. ХУДОЙШУКУРОВ.



## ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

### 2 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Д. Тошмухамедова олиб борди.

Депутатлар Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан тақлиф этилган кун тартибини тасдиқладилар.

Мудофаа ва хавфсизлик масалалари кўми-тасининг аъзоси С. Турсунов «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 18 ва 19-моддаларига ўзгаришлар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини тақдим этди. Қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан жорий йилнинг ноябрда қабул қилин-ган «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республика-си Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хиз-матни ўташ шарт-шароитларини такомиллаш-тириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фар-мон муносабати билан ишлаб чиқилган бўлиб, мазкур Фармонда муддатли ҳарбий хизматга йилига бир марта – февраль-март ойларида қақириш белгиланган. Тегшишча фуқаролар-ни туман (шаҳар) мудофаа ишлари органла-ри ҳузурида ташкил этиладиган қақириув уасткаларида қайд этиш ҳам бошқа муддат-ларга кўчирилади.

Қонун лойиҳасининг савол-жавоблардан кейин бўлиб ўтган батафсил муҳокамаи вақ-тида барча сибёсий партиялар фракциялари-нинг вакиллари сўзга чиқдилар. Депутатлар миллий Қуролли Кучлар қурилишининг ҳуқуқий базасини такомиллаштириш, мустақил Ўзбе-кистон Республикаси мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш ишларини бундан буён ҳам да-вом эттириш муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидладилар. Муҳокама вақтида кири-тилган тақлифларни ҳисобга олган ҳолда Қонунчилик палатаси Қонунни қабул қилди. Қонун маъқуллаш учун Олий Мажлис Сенати-га юборилади.

(ЎЗА).

### Ҳамкорлик

Ўзбекистон-Германия ҳамкорлиги қатор йўна-лишларда, жумладан, таълим соҳасида ҳам ривожланиб бормоқда. Яқинда Ўзбекистон давлат санъат институти ректори Усмон Қоробоев бошчилигидаги мамлакатимиз делегацияси ГФРда бўлиб қайтди.

## МЕМОРАНДУМ ИМЗОЛАНДИ

Сафардан қўзланган мақсад Потсдам шаҳри-даги Конрад Вольф но-мидаги кино ва телеви-дение олий ўқув юрти билан шериклик муноса-батларини ўрнатишдан иборат эди. 1954 йилда ташкил топган мазкур олий ўқув юрти Германия-даги санъат ва ОАВ со-ҳасига ихтисослашган бешта йирик институ-тининг биридир. Унда ре-жиссёрлик, тасвирчилик, драматургия, актёрлик маҳорати, киношунос-лик, компьютер анимацияси,

(Давоми 2-бетда).

## Хотин-қизлар учун иш ўринлари

Жиззах вилоятининг энг чекка ҳудуди бўлган Янгиобод туманида жорий йилда хотин-қизлар учун яратилган иш ўринлари сони 480 тадан ошди.

Туманда шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фер-мер ҳўжаликлариде чорвачиликни ривожлан-тиришга 123 миллион сўмдан зиёд маблаг сарфлангани боис, 333 нафар аёл ишли бўлди. Кичик корхоналар, микрофирмаларда 76 нафар тадбиркор аёл фаолият кўрсатаяп-ти. Меҳнат шартномаси асосида касаначилик-ка жалб этилаётган ёшлар тобора кўпаяётди. Касаначилик, оилавий тадбиркорликнинг бошқа турлари билан машғул янгиободлик аёллар 126 нафарга етди.

Баҳридин САТТОРОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

## ЭЛ СОҒЛИГИ — ЮРТ БОЙЛИГИ

2008 йилнинг 9 ойи мобайнида республикамизнинг ихтисослашган tibbiy марказларида қарий 10 000 га

яқин тезкор амалиёт ва диагностика тадбирлари, жумладан, уларнинг 4961 таси (49,7 фоиз) юқори технологиялар асосида амалга оширилди.



Мамлакатда аҳолига tibbiy хизмат кўрсатиши энг юқори халқаро андоза-лар даражасида ташкил этишга қаратилган кенг қам-ровли ислохотлар жараёни-да ана шундай муҳим нати-жаларга эришилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

БИР РАҚАМ ШАРҲИ



Хар қандай мамлакат иқтисодиётида молия муассасаларининг фаолияти алоҳида аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам истиқлол йилларида юртимизда банкларни қўллаб-қувватлаш, уларни ҳар томонлама ривожлантириш ва шу орқали аҳоли фаровонлигини оширишга долзарб вазифалардан бири сифатида эътибор қаратиб келинмоқда. Шу йўналишда қабул қилинаётган Фармон ва қарорлар, ҳаётга татбиқ этилаётган қатор ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалга оширилиши банкларнинг барқарор фаолият кўрсатишида муҳим асос бўлиб хизмат қилаётир. Бунинг «Ипотека-банк» акциядорлик тижорат банки мисолида ҳам кўриш мумкин.



## «Ипотека-банк»: МИЖОЗ ИШОНЧИ — ФАОЛИЯТИМИЗ МЕЗОНИ

Маълумки, Президентимизнинг 2005 йил 16 февралдаги «Уй-жой қурилиши ва уй-жой бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига асосан «Узуйжойам-фармабанк» ва «Замин» банки бирлаштирилиб, унинг негизида «Ипотека-банк» акциядорлик тижорат банки ташкил этилган. Айтиш мумкинки, янги молия муассасаси ана шу икки банкнинг энг яхши жиҳатларини ўзида мужассамлаштира олади.

Шу ўринда айтиш жоиз, кейинги вақтларда молия муассасалари ҳақида гап кетганда, «Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун» шiori тилга олинмаган бўлиб қолди. «Ипотека-банк» ҳам айна мана шу ҳаётий шioriни ўз фаолиятининг муҳим қисми сифатида эътибор қаратиб келмоқда. Натижада аҳолининг унга бўлган ишончи тобора ортиб, шунга мос равишда мижозлар сафи ҳам кенгайиб бормоқда. Банда замонавий ахборот технологияларидан кўпроқ фойдаланилаётгани, молиявий ва ҳужжали бошқарувининг илгор услублари самарали қўлланилаётгани ҳам хозирги соғлом рақобат муҳитида уларга бўлган муносабатнинг шундай юқори ҳамда барқарор бўлишини таъминламоқда.

Бугунги кунда банклар таклиф этаётган жамғарма омонатлари аҳоли томонидан бундан кўра маблағларнинг узоқ ва қисқа муддатларга қўйилиши, истемол ва бошқа турдаги кредитларнинг берилиши, тадбиркорлар, шу жумладан тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ажратилаётган, ёш оилаларни уй-жой билан таъминлаш учун узоқ муддатга берилмаётган кредитлар банк ҳамда мижоз ўртасидаги ўзаро ишонч юксалиб бораётганидан далolatдир. Бунинг қўйидаги мисоллар ҳам кўрсатиб турибди. Жорий йилнинг 9 ойи якунларига кўра, аҳолининг банклардаги омонатлари 2007 йилнинг шу даврига нисбатан 52,6 фоизга, кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар 40,8 фоизга, микрокредитлар 49,1 фоизга, аёл тадбиркорларга берилган кредитлар эса 1,4 баробарга ошган. Энди шундан келиб чиқиб, «Ипотека-банк»нинг бу борадаги иштирокига эътибор қаратайлик.

Президентимизнинг 2006 йилнинг 23 мартдаги «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер ҳужалиқларида чорва молларни кўпайтириш рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида кам таъминланган 3066 оилага чорва моллари сотиб олиш учун 2,4 млрд. сўмлик микрокредитлар ажратилди. Яъни, бу орқали шунча оила кўшимча даромад манбаига эга бўлди. Улар сут, қатиқ, қаймоқ каби истемол учун зарур маҳсулотлардан баҳраманд бўлишмоқда.

Агар 2007 йили банк томонидан аёл тадбиркорларга 7,7 млрд. сўмлик кредит берилган бўлса, жорий йилнинг 1 октябрь

ҳолатига бу кўрсаткич 9,9 млрд. сўмни ташкил этди. Бошқача айтганда, ўзини бизнесда, тадбиркорликда синаб кўрмоқчи бўлган аёлларимиз «Ипотека-банк» ёрдами билан шу соҳага дадил кириб боришмоқда.

«Ипотека-банк» фаолиятида, уй-жойлар қуриш билан биргаликда, аҳоли турмуш даражасини оширишга хизмат қилувчи истемол кредитлари ажратиш масаласи ҳам муҳим ўрин тутди. Шу мақсадда, ўтган тўққиз ой давомида банк томонидан аҳолига 2,7 млрд. сўмлик истемол кредитлари берилди. Хозирга қадар жами 3204 та оила истемол кредитидан фойдаланиб, юртимизда ишлаб чиқарилаётган замонавий маиший техника воситалари эгасига айланишди. Бу борада ёш оилаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда Президентимиз бошчилигида ёшларни қўллаб-қувватлаш масаласига долзарб вазифа сифатида аҳамият берилмоқда. Жо-

рорий йилнинг тўққиз ойи давомида ажратилган ипотека кредитларининг 78,9 фоизи ёш оилалар ҳисобига тўғри келиши банкнинг бу масалага устувор вазифа сифатида аҳамият бераётганини кўрсатади.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш масаласи ҳам долзарб вазифалар сирасига киради. Зеро, ривожланган давлатлар тажрибасидан ҳам маълумки, иқтисодий тараққиётга эришишда мазкур соҳа ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Бу борада юртимизда қабул қили-

наётган фармон ва қарорлар соҳа вакиллари ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга хизмат қилмоқда. Ана шу ҳужжатлар ижросини таъминлашда банкларимиз фаол иштирок этмоқда. Хусусан, «Ипотека-банк» томонидан хозиргача 50 мингга яқин тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатилиб, уларга биргина жорий йилнинг ўзида 79,4 млрд.



рий йилда «Ёшлар йили» давлат дастури ижроси орқали уларга ҳар томонлама шарт-шароит яратиб берилмаётгани ҳам бунинг ёрқин далилидир. Мана шу эзгу мақсадга «Ипотека-банк» ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда. Жумладан, ёш оилаларни уй-жой билан таъминлаш, уларнинг яшаш шартини янада яхшилаш масаласига банк ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. Шундан келиб чиқиб, бугунги кунда «Ипотека-банк» томонидан вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида жами 47 та қўп қаватли уй (1541 та хонадон) қурилиши молиялаштирилмоқда. Бунинг учун 41,2 миллиард сўм миқдорда кредит ажратилди. Ҳисоб-китобларга кўра, жорий йил якунига қадар жами 36 та қўп қаватли уй фойдаланишга топширилса, келгуси йилнинг биринчи чорагида пойтахтимизда 11 та қўп қаватли уй ўз эгаларини бағрига олади. Барпо этилаётган уйлардан иккитаси Наманган шаҳрида, биттаси эса Навоий шаҳрида бўлиб, улар аллақачон битказилди.

Юрбошимизнинг ёш оилаларни қўллаб-қувватлашга қаратилган махсус Фармонидан сўнг, банк томонидан 1523 та ёш оилага 28,5 миллиард сўмлик ипотека кредитлари берилди. Умуман,

сўмлик кредитлар ажратилди. Банк тадбиркорлар билан ўзаро алоқаларини фақат молиявий жиҳатдан эмас, балки консалтинг хизмати кўрсатиш, уларни зарур ахборотлар билан таъминлаш орқали ҳам мустақамлашга эришмоқда.

Агар 2007 йил якунида кичик бизнес вакилларига берилган кредитлар 67,1 млрд. сўм ёки кредит портфелининг 23,4 фоизини ташкил қилган бўлса, 2008 йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра, бу кўрсаткич 82,8 млрд. сўмга етказилиб, банк кредит портфелининг 24,0 фоизини ташкил қилмоқда.

Аҳоли омонатларини жалб қилиш буйича ҳам талай ишлар амалга оширилмоқда. Яъни, жозибдор омонат турлари таклиф этилиши натижасида жорий йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра,

Бир сўз билан айтганда, «Ипотека-банк» акциядорлик тижорат банки замонавий молия муассасаси сифатида ўз фаолиятини ахборот технологияларидан янада кенгроқ фойдаланиш, кўрсатаётган хизматларини интернет орқали таклиф қилиш, мижозлар сонини янада ошириш, янги хизмат турларини таклиф қилиш, мини-банклар ва жамғарма кассалар тармоғини такомиллаштириш каби муҳим йўналишларда дадил давом эттирмоқда.



аҳоли омонатлари 74,1 млрд. сўмга етди.

Шуни ҳам айтиш жоизки, кичик бизнес субъектларига кўшимча имкониятлар яратиш мақсадида банк томонидан хорижий банкларнинг кредит линияларини жалб қилиш ва ўзлаштириш буйича ҳам ишлар фаол давом эттирилмоқда. Жумладан, Ислоҳ Тараққиёт банки (ИТБ) билан 3 миллион АҚШ доллари (дастлабки босқич 1,5 миллион АҚШ доллари) миқдордаги «Лизинг ва тўлов муддатини узайтирадиган шаклда глобал молиялаштириш линияси битими» имзоланган эди. Банк томонидан паркет ишлаб чиқариш, автомобильларга газ қўйиш шохобчасини ташкил қилиш, полиэтилен плёнка, пластик қувор ҳамда фитинг тайёрлаш технологик линиясини келтириш лойиҳалари ҳам маъқулланди. Бундан ташқари, кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш учун Европа Тикланиш ва тараққиёт банки, «Хипо Ферейнс» банки, «Ланденсбанк Берлин», «Коммерцбанк»лар билан ҳам ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 7 ноябрдаги ПҚ-726-сонли қарори асосида, «Ипотека-банк» томонидан халқаро рейтинг олиш буйича ишлар ташкил қилинди. Натижада жорий йилнинг сентябрь ойида «MOODY'S» халқаро рейтинг агентлиги томонидан «Ипотека-банк»нинг миллий валютадаги узоқ муддатли депозитларига «В1» халқаро рейтинг даражаси берилди ва рейтинг истикболи «Барқарор» деб белги-ланди. «MOODY'S Investors service» халқаро рейтинг агентлиги 1900 йилда ташкил этилган бўлиб, у кредит рейтинглари ва таваккалчиликни баҳолаш буйича 20 000 дан ортик обуначиларига эга бўлган жаҳондаги энг нуфузли ташкилотлардан биридир. Бу агентликнинг маълумотлари дунёдаги 3000 дан зиёд ташкилотга тақдим этилади. Шундай нуфузли ташкилотнинг «Ипотека-банк» ҳақидаги эътирофи, унинг ҳамкорлари ва мижозлари ишончининг янада ортишига хизмат қилиши, шубҳасиз. Яъни, бу хорижий инвестор ташкилотлари томонидан «Ипотека-банк»ка инвестиция, кредит ва грантлар ажратишда ижобий натижага эришиш учун катта ёрдам беради.

Банк матбуот хизмати.

Газ уюгуржи истемолчилари ва газ сотувчи ташкилотлар аиққатига!

## «Крокус Газ Сервис» ҚҚ

«Сигнал» ва «Газдевайс» ЁАЖ компаниялари гуруҳининг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили қуйидагиларни таклиф этади:

ЭЛЕКТРОН БЛОКЛИ (БК) МУВОФИҚЛАШТИРАДИГАН ТУРБИНАЛИ САНОАТ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ (СТГ).

Мазкур асбоблар газни ҳисобга олиш буйича замонавий ўлчаш-ҳисоблаш комплекслари бўлиб, немис технологияси буйича Россияда ишлаб чиқарилган.

Ўлчаш диапазонлари: соатига 100 м³, 250 м³, 400 м³, 650 м³, 1000 м³, 1600 м³ гача ва ундан ортук.

Етказиб бериш, тўлиқ монтаж қилиш, кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.



Россияда ишлаб чиқарилган

«АГАТ» РУСУМЛИ, УЛЬТРАТОВУШЛИ, ЎЛЧANAЁТГАН ГАЗ ҲАРОРАТИНИ АВТОМАТИК РАВИШДА ТЎҒРИЛАЙДИГАН

замонавий электрон газ ўлчагичлари.


Ўлчаш диапазонлари:

- «АГАТ» G-16 (соатига 0,16 м³ дан 25 м³ гача);
- «АГАТ» G-25 (соатига 0,25 м³ дан 40 м³ гача);
- «УБСГ» 001 G-4 (соатига 0,04 м³ дан 6 м³ гача);
- «УБСГ» 001 G-6 (соатига 0,06 м³ дан 10 м³ гача);
- «УБСГ» 001 G-10 (соатига 0,1 м³ дан 16 м³ гача).

Кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Сервис маркази манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, «Моштабиб» кўчаси, 7-уй. Мўлжал — Тошкент вино заводи. Тел./факс: 232-21-22, 236-39-63, 127-10-28, 127-07-72.



Янги трактор

## New Holland TL 5060

Куввати — 100 от кучига эга.



Кафолат — 1 йил. Барча вилоятларда сервис хизмати кўрсатилади ва эҳтиёт қисмлари мавжуд.

МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН

Tel.: 120-60-97, 120-89-58.

**SONATA** Ўз йўлингни танла!

КАФОЛАТ — 2 ЙИЛ. МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Drive your way

Official Partner **HYUNDAI** Tel. 250-11-11

Завод ТЕМЗ изготавливает и реализует:

### КРАН БАШЕННЫЙ КБ-403А

предназначен для строительно-монтажных работ при возведении жилых и гражданских сборных сооружений и строительства многоэтажных зданий

Теперь и в ЛИЗИНГ

- максимальная грузоподъемность 8 т
- максимальная длина стрелы — 30 м (с кареткой)
- максимальная высота подъема гор. — 41,5 м, наклонно — 57,5 м

АВТОКРАНЫ:

для производства монтажных и погрузочно-разгрузочных работ с обычными грузами на рассредоточенных объектах

- КС-3577 НА БАЗЕ ШАССИ МАЗ**
  - максимальная грузоподъемность — 14 т
  - максимальная высота подъема — 14,5 м
- КС-4574-1 НА БАЗЕ ШАССИ КАМАЗ**
  - максимальная грузоподъемность — 16 т
  - максимальная высота подъема — 22 м
- КС-55724 НА БАЗЕ ШАССИ КАМАЗ**
  - максимальная грузоподъемность — 25 т
  - максимальная высота подъема — 29 м (с гуськом)

ВОЗМОЖЕН МОНТАЖ НА ШАССИ ЗАКАЗЧИКА

Тел.: 269-15-33, 262-63-45, 187-52-05, ф. 262-39-66. E-mail: toemz1@sarkor.uz www.toemz-kran.uz

Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport



**Шарқ яккакураш спорт турлари орасида таэквондонинг WTF йўналиши дунёда кенг тарқалган. Сабаби, мазкур спорт тури энг нуфузли мусобақа — Олимпия ўйинлари дастурига киритилган.**

**Бугунги кунда жаҳоннинг 160 дан ортиқ мамлакатида таэквондо билан шуғулланишади. Ўзбекистонда ҳам спортнинг ушбу турини оммалаштириш ва ривожлантиришга катта эътибор қаратиб келинмоқда.**

## «ОЛИМПИАДА — 2012» ШИОРИ ОСТИДА

3-6 декабрь кунлари пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуасида «Олимпиада — 2012» шиори остида ана шу спорт тури бўйича республика очик чемпионати ўтказилди. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика шарқ яккакурашлари ва жанг санъати маркази ҳамда Республика таэквондо WTF ассоциацияси ҳамкорлигида ташкиллаштирилган ушбу

мусобақада ҳамюртларимиздан ташқари, дунёнинг ўнга яқин мамлакатларидан спортчилар иштирок этиши кутилмоқда.


Кеча шу муносабат билан мамлакатимизга ташриф буюрган Халқаро таэквондо WTF федерацияси вице-президенти Пи Кю Сок Миллий Олимпия қўмитасида ҳакамлар учун махсус семинар ўтказди. Шунингдек, у билан Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Республика

кин ошишига олиб келди. Мен шу ўринда ўзбекистонлик таэквондочиларнинг халқаро мусобақаларда эришаётган муваффақиятини алоҳида таъкидлаб ўтишни истардим. Жорий йил Пекинда бўлиб ўтган Олимпиада ўйинларида уч нафар ўзбекистонлик спортчи иштирок этди. Бу МДХ давлатлари орасида энг яхши кўрсаткичдир. Айниқса, Акмал Эргашевнинг маҳорати кўпчиликка манзур бўлди. Умид қиламанки, бугунги мулоқотимиз мамлакатимизда таэквондонинг янада оммалашшига хизмат қилади.



**Шу кунларда Тошкент кўчаларида ҳаракат қилаётган транспорт воситаларига разм солсангиз, кўзни қувонтирувчи машиналар қаторида йўловчилар учун барча қулайликларга эга «Mercedes-Benz Conecto Low Floor» русумли автобусларга ҳам нигоҳингиз тушади.**

## ПОЙТАХТ КЎРКИГА ЯРАШГАН АВТОБУСЛАР



Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 6 февралдаги «Тошкент шаҳрини йўловчилар ташиш автобуслари билан таъминлашнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан пойтахтимизга 200 донга яқин автобуслар келтирилди.

Ушбу автобуслар аввалгиларига нисбатан замонавий қўрилиши, ҳайдовчилар учун бошқарув тизими қулайлиги (салонни совутиш ва иситиш тизимлари, бошқарув дастаклари автоматлаштирилган), усуналар фаолиятини электрон тизимлар орқали текшириш, назорат қилиш имкониятларига эгаллиги билан ажралиб туради. Автобуслар бошқарувида борт компьютери ўрна-

тилган. Мазкур қурилма барча тизимларнинг техник ҳолатини аниқ кўрсатиб туради. Автобуслар пол қисми гаслаштирилганлиги тўғрисида йўловчиларнинг чиқиб-тушиши учун ҳар жихатдан ўнғай. Йўловчилар «Бундай роҳатли автобусларда юриш бир олам завқ бахш этади», дедилар.

**СУРАТЛАРДА:** Барча қулайликларга эга автобус; «Тошхартрансизмат» уюшмасига қарашли ихтисослашган сервис маркази устаси Фахриддин Эрматов (ўртада) ҳамкасблари билан галдаги вазифалар ҳақида суҳбатлашмоқда.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

### МАДАНИЯТ

xabarlari

Пойтахтимиздаги 31-Меҳрибонлик уйда Ёшлар йиллиги бағишланган акция ўтказилди.

### «Келажаги буюк ёшлармиз!»

Мазкур тадбир «Камолот» Ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда Юнусобод машинасозлик қаб-ҳунар коллежи ташаббуси билан ташкил этилди. Унда коллеж ёшлари ўзларининг «Келажаги буюк ёшлармиз!» мавзудаги бадиий дастурларини намойиш этдилар.

— Эзгуликнинг асоси меҳр-оқибат ва инсонийлик эканлиги кўп бор таъкидлангани бежиз эмас, — дейди гоҳ муаллифи, «Камолот» ЁИХ БТ ётақчиси М. Йўлдошева.

Айниқса, ёшлар ўзаро меҳр-оқибатли, ўзгаларга кўмақдош, қалбон хайру савоатта эш бўлсалар, ҳаётимиз янада фаровон, ўтаётган ҳар бир кунимиз бахтиёр лаҳзаларга бой бўлаверди.

Ёшлар акциясида она-Батанга муҳаббат, дўстлик мавзусида шўх кўй-қўшиқлар янгида Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига ҳомийларнинг эсдалик совғалари топширилди.

Муборак ОХУНОВА.

### Санъаткорлар тўғрисида

Яқинда Юсуфжон қизик Шакаржонов номидagi Фаргона вилоти мусиқали драма ва комедия театри жамоаси нефтилар хузуриди бўлди.

Энг сара сахна асарлари намойиш этилган ушбу иккунлик дастур доирасида театрнинг атоқли ижодкорлари, Ўзбекистон халқ артистлари — Муҳаммадасили Юсуфов ҳамда Ёркиной Хотамоваларнинг ҳам иккунлик учрашувлари ўтказилди.

Театр ижодкорлари иштирокидаги «Мизантроп ёхуд одамови», «Заҳарли томчи» спектакллари томошбинларда катта таассурот қолдирди. Санъаткорлар ташрифи Фаргона нефти қайта ишлаш корхонаси ишчиларига кўтаринки кайфият бахш этди.

Набижон СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.


### «Бугунги куннинг шум боласи»

Абдулла Қаҳҳор номидagi республика Сатир театри жамоаси қоракалпоқ томошбинлари хузуриди бўлиб, уларни ўзларининг бир қатор томошалари билан хушнуд этишмоқда.

Хусусан, Бердақ номидagi кинотеатрда намойиш этилган, халқ артисти Баҳодир Йўлдошев Қурбон Муҳаммад Ризо сценарийси асосида сўзлаштирилган «Бугунги куннинг шум боласи» спектакли томошбинларга манзур бўлди. Мазкур сахна асариди ёшлар ўртасида учраб турадиган иллатлар ва уларнинг зарарли оқибатлари гавдалантирилган.

Театр санъаткорлари, шунингдек, бир қатор шаҳар ва овулларга ҳам ташриф буюрдилар.

Ҳидоят АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



### САМАРҚАНДЛИК ВОЛЕЙБОЛЧИЛАР БИРИНЧИ

Тошкентда волейбол бўйича Ўзбекистон чемпионатининг биринчи тур учрашувлари якунланди.

Унда мамлакатимизнинг олтига кучли жамоаси иштирок этди. Биринчи тур ўйинлари Самарқанднинг «Узи-Самарқанд» жамоаси учун омадли келди. Улар барча учрашувларда ғалаба қозонишди ва якунда 10 очко билан турнир жадвалида пешқадам бўлиб олишди. Яйпаннинг «Олим-

жон Акбаров» жамоаси 8 очко билан иккинчи, яқинда мамлакат кубогини қўлга киритган пойтахт вилотиликнинг ОТМК жамоаси эса 6 очко тўплаб учинчи ўринда бормоқда.

Чемпионатнинг иккинчи тур ўйинлари 2009 йилнинг февраль ойида бўлиб ўтади.

**Бишкекда дзюдо бўйича якунланган халқаро турнирда юртдошларимиз тўртта олтин медални қўлга киритдилар.**

### Дзюдочиларимиз шоҳсупада

Жумладан, О. Хидинов (60 кг.), У. Ражабов, А. Сарсенбоев (100 кг.) ва О. Жумалиев (+100 кг.)лар халқаро турнир голиби бўлишди.

### Роналду «Олтин тўп» соҳиб

«Манчестер Юнайтед» жамоаси ярим ҳимоячиси Криштиану Роналду Европанинг энг яхши футболчисига бериладиган юксак мукофот — «Олтин тўп-2008» соҳибга айланди, деб хабар беради AFP.



Таъкидлаш лозимки, 23 ёшли Роналду Франциянинг «France Football» журнали томонидан анъанавий ўтказиб келинадиган сўвоннома якунида голиб чиққан учинчи португалиялик футболчи сифатида тарихдан жой олди. У халқаро футбол федерацияси — ФИФА версияси бўйича ҳам 2008 йилнинг энг яхши футболчиси номинациясига асосий даъвогарлардан ҳисобланади.

Роналду 2007-2008 йилги футбол мавсумида 49 ўйинда майдонга тушиб, рақиблар дарвозасига 42 та тўп киритди ва «Манчестер Юнайтед» жамоасининг Англия чемпионати ҳамда Европа чемпионлар лигасида муваффақиятли иштирокига муносиб ҳисса қўлди.

З. ЖОНИБЕКОВ тайёрлади.

фақат 2008 йил 31 декабргача

# Янги АКЦИЯ!

# 1+2

БИТТАСИННИНГ НАРХИДА ИККИТА ТЕЛЕФОН!

Келаётган Янги йилнингиз билан!

Барча маълумотлар компания офисларида. Телефонлар сони ЧЕКЛАНГАН!

Perfectum Mobile

Тел.: (8598) 305-1111  
www.cdma.uz

### Shosh Invest Group

предлагает со склада в г. Ташкенте!



Гусеничный экскаватор с удлиненной стрелой, V ковша — 0,5 м³, двигатель — Cummins



Гусеничный экскаватор, V ковша — 1 м³, двигатель — Cummins

ТОВАР СЕРТИФИЦИРОВАН

Тел. (998-71) 252-28-95.

ООО «Росагропромснаб» предлагает:

## СЧЕТЧИКИ ГАЗА

ультразвуковые «Гобой-1»

Цена - от 1 365 000 сум.

Ду, мм	Типоразмер	Мин. расход, Q <sub>мин</sub> , м³/час	Максим. расход, Q <sub>макс</sub> , м³/час
25	G10	0,16	16(25)
40	G25	0,40	40(65)
65	G65	1,00	100(160)

На все поставляемые товары имеются сертификаты соответствия. Гарантийный срок на продукцию - 12 месяцев со дня установки. Отдельно предприятие поставяет фильтры различных диаметров. Т.ф.: 273-16-40, 276-90-57, 276-97-90. Адрес: г. Ташкент, Чиланзар, кв-л Ц, д. 6 (ор-р - перекресток «Шухрат»)

«O'zbekiston» телерадиоканали ДУК жамоаси Ўзбекистон халқ шоири, телерадиоканал директори Хушид Давронова волидаи муҳтарамаси **ФУЗАЛЛО аянинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Миллий телерадиоканаллари жамоаси Истикболли медалойиҳаларни ишлаб чиқиб бўлими бош мутахассиси Аҳмад Нурга волидаи муҳтарамаси **Дармонжон ая ҚУШЖОНОВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректорати ва бирлашган қасаба уюшма қўмитаси Макроиктисодиёт кафедраси профессори Анвар Эшмухамедовга укаси **Шавкат ЭШМУХАМЕДОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат юридик институти жамоаси Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси катта ўқитувчиси, фалсафа фанлари номзоди Эшмухаммад Қодировга акаси **Тошмухаммад ҚОДИРОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

### Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунийлик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

### Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1156. 25237 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Девонхона 233-52-55;  
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Т-Тижорат материал

• МАНЗИЛИМИЗ:  
100000, ГСП,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Набатчи котиб — Ю. Ҳамидов.  
Набатчи муҳаррир — Ш. Ортиқов.  
Набатчи — М. Охунова.  
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.15 Топширилди — 22.10 8